

Шоира Турсуной Содикова нозик таъб, ўткир дидли, нафосатли адибаларимиздан бири. У 1944 йили Тошкентда таваллуд тонган. Уруш даври фарзанди. Бинобарин, хаётнинг аччиқ чучукларидан бохабар. Шунинг учун ҳам унинг шеърларида умид, эътиқод, яхши одамлар ва яхши кунларга ишонч бош ўринда туради.

У ўрта мактабдан сўнг 1961 — 1966 йилларда Тошкент Давлат дорилфунунида тахъсил олган. Дастлабки машқлари шу ерда пайдо бўлган. Бўлгуси шоира аввал мактабларда, сўнгра ёшлар ташкилотларида ишлаган. Хозирги кунда эса Андижон Давлат Тиллар институтида талабаларга сабоқ бермокда. Филология фанлари номзоди. Ували-жували, вилоят ва республикада яхши танилган, эътиборли жамоатчи ҳамдир.

Унинг биринчи шеъри 1961 йилда «Ленин учқуни» рўзномасида босилган. Хозиргача бешдан ортик тўпламлари чоп этилган. «Кизлар дафтари» (1973) шеърий туркумининг ташкилотчилари ва муаллифларидан биридир. Шоиранинг биринчи шеърий гулдастаси «Куй» номи билан 1978 йилда чоп этилган.

Ха, чиндан ҳам яхши шеър — оромбахш куйдек кишига хузур багишлайди. Туйгуларни китиклаб, орзу-ўйларга, хаёлларга етаклайди. Турсунойнинг ушбу «Куй»ини ўқисанг, тингласанг арзийдиган куй. Куй бўлганда ҳам оромбахш куй. Тўпламдаги шеърлар бир-биридаги фикр ва гоёни тўлдириб боради. Энг мухими янги-янги фикр бўлиб тугилади, фикрларга, туйгуларга етаклайди. «Кўзларим» шеърига кулок солинг-а:

Карашларим хуморида эмиш аллаким,
Кимларгадир ором бўлиб кўнар кўзларим.
Аллакимни тентиратар хасад тунида,
Дўст калбида кундуз мисол ёнар кўзларим,—

деса, «Ўқувчимга» шеърида эиди юкоридагидек мафтункор ва афсункор, жозибали ва садокатли ёр тимсолида эмас, балки меҳрибон мураббий, кечиримли она сифатида намоён бўлади. Тўпламдаги кўпчилик шеърлар катта бир дард билан, зўр зарб билан ёзилганлигини хис этиш кийин эмас. Маълумки, она мавзуи мухаббат мавзуи каби бокийдир. Шоира она хакида куйлар экан, хеч кимни, хатто ўзини ҳам такрорламайди. Лоакал унинг «Армонларим» шеъридаги сўнгги: «Учрашмаган учрашувлар колди йўлларда...» мисрасига эътибор беринг-а?! Ха, бу мисрада канча армонлар, ўйлар, туйгулар бор?

Хуллас, Турсуной шеърлари гоҳ ўйноки, шўх, шалолалардек завкли, кудратли, баъзи шеърлари огир, вазнин, ўй-хаёлга толдирувчи, инсон, хаёт, мухаббат ва тақдир хакида яна ҳам чуқуррок ўйлашга даъват этувчидир. У «Фирок» деган бир шеърида дарёга мурожаат этиб: «Бетокатсан, тошкин окасан» деган эди. Шоиранинг кейинги «Икбол» (1984), «Дил гавхари» (1985) шеърий тўпламларидаги кўпчилик асарларида ҳам ана шу холат кўзга яккол ташланиб туради. Мазкур тўпламларнинг биринчисида агар инсоний хис-туйгулар, гурур, инсон ве эзгулик, олийжаноблик ва чин мухаббат куйланса, кейинги гулдастасида лирик, фалсафий охангдорлик етакчилик килади. Биз бу борада унга омад

тилаймиз.